

**THE ORIGINS OF THE FORMATION OF THE REALISTIC SHORT STORY IN  
CONTEMPORARY KUWAITI PROSE****Shakhlo Irgashbaevna Akhmedova***Associate Professor, PhD in Philology**Department of Arabic Studies**Tashkent State University of Oriental Studies**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

**Key words:** Kuwait, short story, 20th century, realism, modernism, Arabic literature, social change, women's issues, literary evolution, Kuwaiti writers, romanticism, creative methods, literary history, Kuwaiti literature, artistic images, cultural change, characters, criticism, literary process.

**Received:** 08.05.26**Accepted:** 09.05.26**Published:** 10.05.26

**Abstract:** This article analyzes the formation and development of the modern short story genre in Kuwait during the 20th century. It discusses the history of Kuwaiti literature, the creative achievements of writers, and the evolution of the genre. Kuwaiti short story writing, which began with the publication of the story "Munira" in 1929, continued to develop from the 1940s under the influence of modernism and realism. In the 1940s–1960s, under the influence of Egyptian literature and Arab literary criticism, particular attention was paid to social issues and women's themes. In the 1960s–1970s, writers portrayed transformations in Kuwaiti society through new methods and themes, including social reforms, attitudes toward modernization, and psychological states. In the 1980s–1990s, greater emphasis was placed on the enrichment of genre forms and imagery, as well as on the artistic analysis of social contradictions. The article also examines the synthesis of realism and romanticism in Kuwaiti short stories and highlights the emergence of new creative approaches.

**ҲОЗИРГИ ҚУВАЙТ НАСРИДА РЕАЛИСТИК ҲИКОЯНИНГ ИЛК ИЛДИЗЛАРИ****Шахло Иргашбаевна Аҳмедова***Доцент, филология фанлари номзоди (PhD)**Арабшунослик олий мактаби**Тошкент давлат шарқшунослик университети*[kamolatsari2020@mail.com](mailto:kamolatsari2020@mail.com)

Тошкент, Ўзбекистон

## МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Қувайт, ҳикоянавислик, ХХ аср, реализм, модернизм, араб адабиёти, ижтимоий ўзгаришлар, аёллар мавзуси, адабий эволюция, Қувайт ёзувчилари, романтизм, ижодий усуллар, адабиёт тарихи, Қувайт адабиёти, бадиий образлар, маданий ўзгаришлар, қаҳрамонлар, танқид, адабий жараён.

**Аннотация:** Ушбу мақолада Қувайтда ХХ асрда пайдо бўлган замонавий ҳикоя жанрининг шаклланиши ва ривож таҳлилга тортилган. Қувайт адабиётининг тарихи, адибларнинг ижодий ютуқлари ва жанр эволюцияси ҳақида сўз юритилади. 1929 йилда “Мунира” ҳикоясининг чоп этилгани билан бошланган Қувайт ҳикоянавислиги 40-йиллардан бошлаб модернизм ва реализм усуллари билан ривожланишни давом эттирди. 40-60-йилларда Миср адабиёти ва араб танқидчиларининг таъсирида жанрда ижтимоий ва аёллар масаласига оид мавзуларга эътибор қаратилди. 60-70-йилларда ёзувчилар янги усуллар ва мавзулар билан, жумладан, ижтимоий ислохотлар, янгиликларга қараш ва руҳий ҳолатлар орқали Қувайт жамиятининг ўзгаришларини тасвирладилар. 80-90-йилларда жанр ва образларнинг бойиши, адибларнинг мураккаб характери ва жамиятдаги зиддиятларни бадиий таҳлил қилишга алоҳида аҳамият берилди. Шунингдек, мазкур мақолада Қувайт ёзувчилари томонидан ҳикоя жанрида реализм ва романтизм усуллари уйғунлашуви, ҳамда янги ижодий усулларнинг пайдо бўлиши борасида фикр юритилган.

## ИСТОКИ СТАНОВЛЕНИЯ РЕАЛИСТИЧЕСКОГО РАССКАЗА В СОВРЕМЕННОЙ КУВЕЙТСКОЙ ПРОЗЕ

*Шахло Иргашбаевна Ахмедова*

*Доцент, кандидат филологических наук (PhD)*

*Высшая школа арабистики*

*Ташкентский государственный университет востоковедения*

*Ташкент, Узбекистан*

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Кувейт, новеллистика, ХХ век, реализм, модернизм, арабская литература, социальные изменения, женская тема, литературная эволюция, кувейтские писатели, романтизм, творческие методы, история литературы, кувейтская литература, художественные образы, культурные

**Аннотация:** В данной статье анализируется процесс формирования и развития жанра современной новеллы в Кувейте в ХХ веке. Рассматриваются история кувейтской литературы, творческие достижения писателей и эволюция жанра. Кувейтская новеллистика, начавшаяся с публикации

изменения, герои, критика, литературный процесс.

рассказа «Мунира» в 1929 году, с 40-х годов продолжила развитие в русле модернизма и реализма. В 40–60-е годы под влиянием египетской литературы и арабской критики особое внимание уделялось социальным проблемам и теме женщины. В 60–70-е годы писатели с помощью новых методов и тем, включая социальные реформы, отношение к новшествам и внутренние психологические состояния, отразили изменения в кувейтском обществе. В 80–90-е годы особое значение приобрели усложнение жанра и образной системы, а также художественный анализ социальных противоречий. Кроме того, в статье рассматривается синтез реализма и романтизма в произведениях кувейтских авторов, а также появление новых творческих методов.

**Кириш.** XX аср жаҳон адабий жараёнида катта ўзгаришлар содир бўлганлиги билан характерланади. Европа ва Америка адабиётида янги йўналиш ва оқимларнинг пайдо бўлиши, мустақкам илдизларга эга бўлган реализм билан бир вақтда модернизм услубининг ривож топиши, йўналиш ва оқимларнинг тез алмашинуви кузатилади.

Қувайт замонавий ҳикоянавислиги асосан XX аср иккинчи ярмида ривожланган бўлса ҳам, унинг дастлабки куртаклари XX аср бошларида намоён бўлди.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** 1929 йилда “ал-Қувайт” (الكويت) журнали саҳифаларида Холид ибн Муҳаммад Фараж қаламига мансуб биринчи Қувайт ҳикояси – “Мунира” (منيرة) эълон қилинди. Шакл ва мазмунига кўра бу асар Миср адабиётидаги айнан шу жанрга мансуб асарларни эслатар эди. Ҳикояда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар арафасида одамлар орасида энди пайдо бўлаётган янги муносабатлар кўрсатилади: унда иккиюзламачилик, зўравонлик ва риёкорлик фош қилинади. Муаллиф ёш, гўзал қиз тақдирини тўғрисида ҳикоя қилади. Эрта турмушга чиққан бу қиз ҳеч фарзандли бўла олмайди. Бу йўлда у кўп азоблар чекади. Охир-оқибат у ўз жонига қасд қилади. Муаллиф “аёл мавзуси”ни мустақкам илдиз отган аёл кишига паст назар билан қараш одати билан боғлайди, оиладаги бахт эр-хотиннинг бир-бирини тушунишда, аёлга шафқат кўзи билан қарашда, деб билади (Ghalloum, 1981, p.17).

XX аср 40-йиллари охиридан бошлаб Қувайтда замонавий адабиёт шакллана бошлади. Бу адабиёт зиммасига воқеликни ва ундаги инсонни реал тасвирлаш вазифаси тушган экан, бу вазифа ижроси учун ҳикоя жанри жуда қулай келади. Зеро, ҳикоя жанрини

ҳозиржавоблиги, жараён ва воқеаларга тез муносабат билдира олиши каби хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб турадиги. Шунинг учун ҳам “у ҳамма халқларнинг адабиётларида энг кўп ривож топган жанр ҳисобланади” (Sulton, 1986, p.98). Шу эътибордан дастлабки даврда анъаналар таъсирида бўлган янги Қувайтдаги ҳикоя жанри ҳам ўз ривожига эски шаклларга янги мазмун сингдирилган кўринишдан то энг замонавий шаклдаги ҳикоялар ҳолига келгунича улкан тажриба ва тараққиёт эволюциясини босиб ўтди. Қувайт ҳикояси эволюцияси ўз тараққиётида бир неча босқичларни бошдан кечирди.

**Натижалар.** Араб танқидчиларининг фикрича, замонавий Қувайт ҳикоясининг вужудга келиши XX аср 40-йилларига тўғри келди. Унинг шаклланиши 1946 йилдан бери Қоҳирада фаолият кўрсатган «ал-Баъс» (البعث) ойномасини нашр этган Қувайт адиблари жамияти билан боғлиқ. Танқидчи Тоҳир Аҳмад Маккийнинг (Sharaf, 1979, p.22) қайд этишича, бу ойномада 1947 йили чоп этилган илк Қувайт замонавий ҳикояси Ҳамид Хулуднинг қаламига мансуб бўлиб, у “Сув ва осмон ўртасида” (بين الماء والسمااء) деб номланган эди. Ҳеч қанча вақт ўтмай бу муаллифнинг “Ёшликнинг орзулари” (احلام الشباب) деб номланган биринчи ҳикоялар тўплами нашрдан чиқди. Қувайт ёзувчиларининг биринчи авлоди Аҳмад Удва, Юсуф Шайжи, Ҳамад Гирбаллий каби ёзувчилар Миср университетларида таълим олиб, Миср адабиёти билан яқиндан танишиб тажриба орттирган эдилар. XX аср 40-50-йиллардаги ҳикояларида сюжет чизиқлари нисбатан бўш бўлиб, уларда насихат оҳанги ва юзаки баёнчилик услуби устиворлик қилар, улар, асосан, оилавий муносабатлардаги ахлоқий мавзуларга тааллуқли эди.

60-йиллар бошида Қувайт адабиётига Сулаймон Шотий (1943 й.туғ.), Абдулазиз Сарий (1939 й.туғ.), Сулаймон Хулайфий (1946 й.туғ.) ва Лайло Усмон (1945 й.туғ.) каби ҳикоянависларнинг янги авлоди кириб келди. Тоҳир Маккийнинг ўринли таъкидига кўра, “бу авлод ҳикоя техникасини яхшилашда жиддий қадам қўйди ва ҳикоя мазмунининг ижтимоий йўналишини белгилаб берди” (Sharaf, 1979, p. 42). Гарчанд ҳикоялар махсус алоҳида тўплам шаклида нисбатан кам нашрдан чиқса ҳам, вақтли матбуот саҳифаларида - ойнома ва рўзномалар бу адиблар ҳикояларини доимо нашр этиб турарди .

XX аср ўрталарида Қувайт ҳикоячилиги жадаллик билан шаклланди, замонавий кўриниш касб этиб, ҳаётни таҳлилий тасвирлай бошлади. Қувайт адабиётининг жаҳон адабиёти ва Миср, Лубнон, Сурия, Тунис, Ироқ каби маданий жиҳатдан ривожланган араб мамлакатлари адабиёти тажрибаси билан яқиндан танишиши шундай имкониятларни яратди. Айниқса, Миср ёзувчилари XX асрнинг бошларидаёқ ҳикоя жанрида маҳоратга эришгани учун Қувайт адиблари ижодига мисрлик носирларнинг таъсири алоҳида ўрин тутади.

Қувайтнинг мустақилликка эришиши (1961) миллий адабиёт ривожланиши учун қулай шароитларни юзага келтирди. Мустақил Қувайт адабиёти намояндалари давр олға сураётган масалаларга масъулиятли ва ўта аниқ жавоб беришлари зарурлигини тушуниб етдилар. Араб дунёси ва Қувайтда авж олаётган ижтимоий-сиёсий ва маънавий жараёнлар ҳикоя каби жанрни жадал ривожлантирди ва унинг зиммасига ўзгариб бораётган воқеликни бадиий образларда тўлақонли, балки тезкорлик билан акс эттириш вазифасини юкледи. Зеро, асосан анъанавий йўлида ривожланган Қувайт адабиёти янги адабий-маърифий вазифаларни бажара олмас эди. XX аср 60-йилларда тез ривожлана бошлаган ҳикоячилик айнан янгилиги эътиборидан жуда муҳим саналади.

Мамлакатда адабиётшунослик, танқид ва публицистика мактаби ривожлана борди. 1964 йилнинг ноябрида Қувайтда ёзувчи, шоир, драматург ва танқидчиларни бирлаштирувчи ёзувчилар лигаси ташкил топди. 1966 йилнинг апрелидан бошлаб, бу лига ҳар ой “ал-Байан” (البيان) журналинини нашр эта бошлади. Бу журналда нафақат Қувайт муаллифлари, балки бошқа араб ва хорижий мамлакатлар ёзувчи ва шоирларнинг асарларининг таржималари ҳам таржимаси чоп этилди.

Сулаймон Шотий, Абдулазиз Сарий, Исмоил Фаҳд, Валид Ражаб, Лайло Усмон, Сурайё Бақсамий ва бошқаларнинг асарларида Қувайт жамияти бошидан кечираётган ижтимоий ўзгаришларга муносиб янги поэтик тафаккур аломатлари сезилади.

Бу ёзувчилар воқелик тасвирида асосан реалистик методни қўллашди; баъзи ҳикояларида романтик кайфият ҳам кўзга ташланади. Айрим танқидчилар Қувайт адабиётидаги романтизмга хос унсурларни Европа, Миср ва Сурия адабиёти тажрибаларининг таъсири билан боғлайдилар. Романтизм адабиёти араб мамлакатларида XX аср бошларида пайдо бўлган эди. Бошқа танқидчилар, хусусан, таниқли Қувайт адабиётшуносларидан Иброҳим Ғалум ва Муҳаммад Шараф бу адабий ҳодисани Қувайт жамиятидаги ўзгаришлар самараси деб ҳисоблайди. Иброҳим Ғалум 1981 йилда чиққан “Форс кўрфазидаги араб мамлакатларида қисқа ҳикоя. Қувайт ва Баҳрайн” номли китобида шундай ёзади: “Биз ҳикоянависликдаги романтизм ҳодисасини романтизм тамойилларини назарий жиҳатдан ўзлаштиргандан сўнг бадиий тажрибанинг татбиқ этилиши сифатида баҳолай олмаймиз. Бу ҳодиса Қувайт жамиятида пайдо бўлиб, Қувайт воқелигидаги объектив сабаблар натижасида ҳаёт ва адабиётга сингиб кетиши мумкин бўлган ҳодисадир. Қувайт ҳикоясида романтик образ шахс ва жамият ўртасидаги келишмовчилик, бу шахснинг ташвишлари ва ўтмишини ҳамда келажакдаги фозил жамиятни қўмсагини кўрсатиш учун пайдо бўлган” (Sharaf, 1979, p. 5).

Бадрия Мусаиднинг “Омина” (أومينا), Фодил Халафнинг “Шарпа”, Фахд Дувайрининг “Қария ва қушча” (الرجل العجوز و الطائر) каби ҳикояларида замондошларининг барча зиддиятли ҳис-туйғулари ва ташвишларини ўзида акс эттирган образи тасвирланди. Сулаймон Шотий, Фарҳан Фарҳан, Ҳасан Ёқуб Алининг баъзи ҳикояларида қаҳрамонларининг ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлиб, умидлари чилпарчин бўлган, беғубор ёшликни ва уларнинг тасаввурида йўқотилган ижтимоий тенгликни қўмсашлари кузатилади. Улар янгиликлар кетидан кува олмайдилар, чунки эски одатлар ва анъаналарга боғланиб қолган бўладилар. Шунинг учун ёшлигини, ўтмишни қўмсайдилар. Назаридаги ўтмишга хос ижтимоий тенглик йўқолгани туфайли саросимага тушган қаҳрамонлар руҳий бўҳрондан кутулиш йўллари излайдилар.

Муҳаммад Мажиднинг интеллектуал қаҳрамонлари эса гўзаллик, муҳаббат, яхшилик ва бахтга олиб боровчи идеалларни излаб, охир-оқибат уни тополмай ўзликка, ўз ички дунёсига қамалиб, жамиятдан ўзларини олиб қочадилар. Таниқли Қувайт танкидчиси Муҳаммад Ёсир Шараф бу кайфиятларни ижтимоий муносабатларнинг жадаллик билан ўзгаришини ҳамда селдек ёпирилиб келаётган ахборот оқимини ҳазм қилиш қийин бўлганлиги билан изоҳлайди. Миср, Сурия ва Ироқдаги миллий-озодлик ҳаракатлари, кейинчалик Исроил билан бўлган уруш Араб Шарқини жунбушга келтирди. Қувайтнинг ўзида Британия билан ҳамкорликка қарши ватанпарварлик ҳаракатлари кучая борди. Тараққиёт учун янги уфқлар очила бошлади. Яқиндагина эски феодал тузумдан чиқиб, янги иқтисодий муносабатларга шиддат билан кириб келган жамиятда эски анъаналар янги қадрият ва мезонлар билан тўқнашиб, зиддиятларни келтириб чиқаради. Адабиётда эса, бу ҳодисаларни бадиий талқин этиш ва тафаккур қилиш тамойили кузатилди. “Бу ёзувчиларнинг романтизми, - деб ёзади Муҳаммад Ёсир Шараф, - зиёлиларда бир-бирига зид бўлган икки ҳис уйғотди, бир томондан, ҳаётдан узоқлашув, ўзини олиб қочиш туйғуси, иккинчи томондан эса, жамиятни ислоҳ қилиш ва ўзгартириш истаги ҳукм суларди. Бу ҳодисалар уйғунлик ва мувозанат излаётган шахсни тасвирлаётган психологик ҳикоянавислик йўналишига асос солди” (Al-Duwayri, 1959, p. 104).

Иброҳим Ғалум таъкидлайдики: “Ёпирилиб келган иқтисодий юксалиш кишилар кўнглида келажакка ишонч уйғотиши керак эди. Бунинг ўрнига шундай дунёни ҳис қилиш бўлдики, унда умид билан умидсизлик, лоқайдлик билан исён руҳи каби романтик зиддиятли ҳислар билан суғорилган янги дунёқарашлар кузатилади” (Sharaf, 1979, Pp. 44-58). Аммо бизнинг фикримизча, романтизм методи Қувайт ҳикоячилигида адабий йўналиш сифатида мустаҳкам ўрин эгаллаш олмади. Қувайт муаллифлари асарларидаги романтик кайфият сўз усталарининг ҳаёт ҳақиқатларини акс эттиришда ижодий метод сифатида

устувор ҳисоблаган реализм билан бирга уйғунлашади. Сулаймон Хулайфа, Сулаймон Шотий, Абдулазиз Сарий, Хадая Султон Салим, Лайло Усмон, Сурайё Баксамий каби таниқли ёзувчиларнинг асарлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг ҳикояларида реализм методига хос назарий тамойиллар устуворлик қилади. Уларнинг асарларида образлар табиати жамият ва муҳит орқали очилиб берилади. Бу қаҳрамонлар бошдан-оёқ барча зиддиятлари, камчиликлари билан олганда, ўз халқи ва жамиятининг вакиллари саналади.

Ижтимоий муаммолар доираси кенгайиши, араб адабиёти ривожига ҳам ҳикоя жанридан янги бадиий ечимлар янги тамойилларни талаб қилди. Масалан, Фаҳд Дувайрий (1921-1999) ўз ижодида олдиға қўйган энг муҳим вазифаси ҳаётини ҳақиқатни ва уни ҳис этишни етказиб бериш эди. Ўз ижоди билан у реал воқелик ва бадиий тўқима ўртасидаги тўсиқни гўёки бартараф этгандек эди. Фаҳд Дувайрий дастлабки реализмнинг бир мунча содда тушунчасига мойил бўлган, аммо унинг ижодида кўп ўтмасдан янгича фикрлар юритиш, турли услублардан фойдаланиш кузатилади.

Фаҳд Дувайрий биринчи Қувайт ҳикоянависларидан бири бўлиб, 1948 йил июль ойида унинг “Воқеликдан” (من الواقع) номли ҳикоясини нашр этилган эди. Қувайт ҳикоянавислигига қадам қўйган адибнинг бирин-кетин унинг бошқа ҳикоялари “ал-Баъс” (البعسة), “Козима” (كوزيما), “ал-Сараид” (الصريد) журналларида гоҳ ўз исми ва баъзан тахаллуслари билан (масалан, “Янтоқ ўғли” (ابن العاقول), “Кекса” (عجوز), “Ҳикоячи”(قاص)) нашр этилди (Vasiliev, 1984, p. 104).

Фаҳд Дувайрий Қувайт ҳикоянавислиги ривожига ўзига хос турки берди. Қувайт адабиётшунослигида унинг ижоди билан адабиёт ривожининг иккинчи босқичи бошланди. Дувайрининг ижодий қарашлари кўп ёзувчилар томонидан қабул қилинди. Улар ҳам ўз қаҳрамонлари ҳаётини нафақат ижтимоий шарт-шароитлар фонида кўрсатишга, балки ижтимоий ислохотлар ғояларини тарғиб этишга йўналтирдилар. Бу хусусият Абдулазиз Ҳусайн (1920-1993), Сулаймон Шотий (1941 й. туғ.) Сулаймон Хулайфий (1942 й. туғ.) каби ёзувчилар ижодига хос бўлиб, Қувайт ҳикоянавислигининг жадал ривожланиш босқичи айна адиблар номи билан боғланади. Уларнинг асарларида хорижий ҳукмронлик йилларидаги оддий инсонлар ҳаёти ҳақида, мустақиллик учун курашганлар ҳақида ҳикоя қиладилар.

Мазкур давр Қувайт ёзувчиларининг аксариятига ҳикоя қилишнинг бир томонлама, нарратив услуби хосдир, аммо улар китобхон онгига жамиятдаги мураккаб ижтимоий муносабатларнинг қалтис томонларини, воқелик ҳақиқатини катта маҳорат билан сингдирдилар. Бундан ташқари, дунёнинг чексизлигини, яхшилик, энг эзгу келажак учун

кураш ҳар жойда олиб борилаётганлиги ва инсониятнинг тараққиёти учун барча илғор кучларининг эҳтиёжи борлигини кўрсатишга муваффақ бўлдилар.

Масалан, ёзувчи Абдулазиз Сарий (1939 й. туғ.) ижодида руҳий таҳлил, рамзий образлар билан иш кўришга мойиллик кузатилди. У воқеликни тасвирлашнинг “онг оқими” («тийар ал-ваъйи») усулидан кенг фойдаланади (Ahmedova, 2021, p. 44). Адибнинг “Уч азоб” (ثلاث معاناة), “Ниҳоя” (النهاية) каби ҳикояларида ботиний шуур йўсинидан фойдаланиб ёзиш усули кузатилади.

Ёзувчи Али Жадид «Қонли уфқ» (Akhmedova, 2022, p. 127). ҳикоясида матн ичида матн усулини қўллайди. Асосий сюжет бош текстига қўшимча матн киритилади. Масалан, ҳикояда асосий матнда камбағал талаба ва дўкондор кизининг бесамар муҳаббати ҳикоя қилинади. Қўшимча матнда илоннинг қафасдаги қуш ёнига бориши тасвирланади. Илон қафасга судралиб киради. Ёзувчи илоннинг ҳар бир ҳаракати ва қўрқувдаги қушнинг тапирлашини синчковлик билан кузатади. Сиртдан қараганда, иккала матн мустақил характерда бўлиб, ўзаро алоқадор эмасдек туюлади. Бироқ ҳикоя ўқиб чиқилганидан сўнг, қўлланган усул ҳикоя тугунининг ечимини кучайтиргани аниқ кузатилади. Қушча учиб кетишга муваффақ бўлди, илон эса бир бурчакка тикилиб, кулча бўлиб олди. Талаба ва қиз ажралишади. Ҳар қайсиси ўз йўлидан кетади, талаба ўқишини давом эттиради, у ўз оиласини оёққа қўйиши керак эди. Қиз эса бадавлат одамга турмушга чиқади ва баланд девор ортида яшай бошлайди. Икки мустақил матннинг ўзаро ички алоқаси ҳикоя образларининг таъсирчанлигини кучайтиради.

Сулаймон Ҳулайфа (1946 й.туғ.) аксинча, кескин сюжет тугуни ва ҳикоя мазмунидаги сабаб ва оқибат мутаносиблигига катта аҳамият беради. «Бефойда саволлар», «Чиқиш визаси» каби ҳикоялари шуга мисол бўлади (Akhmedova, 2022, p. 174).

70-йилларда аёл адибалар ижоди кенг қанот ёзиб, ривожлана бошлади.

Адиба Лайло Усмоннинг илк ҳикоялари оддий одамларнинг кичик хурсандчилик ва ташвишлари тасвирлашига бағишланади. Унинг ҳикояларида адибанинг маҳорати аниқ сезилади. Сурайё Бақсамийнинг илк ҳикоялари ҳам миллий руҳ, кундалик Кувайт турмуши ва воқелигини акс эттириши билан ажралиб туради. Ёзувчи деталларни синчковлик билан тасвирлайди, унинг қаҳрамонлари халқона эканлиги кўзга ташланади.

Ўзининг илк ҳикояларида Сурайё Бақсамий денгиз бўйида яшайдиган одамларнинг қийин ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Бу одамларга ҳали иқтисодий ўзгаришлар етиб келмаган ва уларнинг ҳаёти денгиз билан боғлиқ. Чунки денгиз уларни боқади. Улар балиқ овлайдилар, шу билан бирга уларга бойлик ва муносиб ҳаёт келтирувчи бойликни орзу қилиб дур ва марварид излаб чиғаноқларни умид билан очиб кўрадилар.

Аёллар мавқеи мавзуси 1960-1970 йилларда жуда кенгайиб, Кувайт ҳикоясининг асосий мавзусига айланди. Муҳаббатнинг аёвсиз урф-одатлар билан тўқнашуви каби кўҳна сюжетнинг янги шароитда тараккий этиши ҳар доим ўқувчининг эътиборини тортади. Хадая Султон Салим («Аланга», «Алангандан кучли»), Али Жаид («Қонли уфқ»), Сурайё Бақсамий («Офтоб келинчаги») Лайло Усмоннинг («Қизлар маҳалласидаги куёв») ҳикоялар мавзуси мана шу масалаларга бағишланган эди (Akhmedova, 2022, p. 180).

Университет талабаси бўлган Сулаймон Шотий томонидан 1962 йилда эълон қилинган “Руль” (الدفة) номли илк ҳикоясида халқ оғзаки ижоди, афсона, урф-одатлар бадиий шаклга кирди ва кўп ҳолларда янгича ғоявий-бадиий талқин этилди. Бу хусусият унинг тўпламларига кирган кўпгина ҳикояларга хосдир (“Бўғиқ овоз” (الخافت الصوت) 1970 й., “Юқори мартабали одам”, (رجل من الرف العالي) 1982). Деталларни моҳирона танлаш, ўзига хос аниқ композициялар – Сулаймон Шотий ижодига хос бўлган хусусиятдир. Сулаймон Шотий замонавий Кўрфаз ҳикоянависларининг энг истеъдодли намояндаси сифатида танилди. У 70-йилларда ўзининг кувайтликлар ҳаётининг турли жабҳаларини тасвирловчи реалистик ҳикоялар ёзди. Ёзувчининг бадиий маҳорати замон ўзгаришларини илғаб олишда ва нозик дид билан асарда ғоявий-эстетик мақсадига кўра ифода этишда билинди. У ўзининг биринчи ҳикоялар тўплами “Руль” (الدفة) номи билан нашр этилиши орқали китобхон ва танқидчилар эътиборини ўзига тортган эди. Тўпламдаги ҳикоялар Кувайт халқининг яқин ўтмиши билан боғлиқ эди. Бу ўтмиш анча оғир ва машаққатли. Тўпламга номи берилган “Руль” ҳикояси юк ташийдиган кемада сузувчи денгизчиларнинг меҳнати тасвирланади. Бўронда қолган кема туғён ураётган тўлқинлар орасидан келаётганда туби қояга тегиб тешилади ва сув киришини тўхтатиш мақсадида жасурона курашиб, бир амаллаб тешикни ёпишади. Бу 20 соатлик курашда руль бир одам қўлида - ёш йигит Абу Аҳмадда қолиб кетади. Бир қадам ҳам рулдан силжимаган ва уни қўлдан қўймаган Абу Аҳмад бор кучини кемани бошқаришга қаратиб охири совуқда қотиб қолади ва вафот этади. Денгиз навбатдаги қурбоннинг жасадини ютади. Ўша кеманинг денгизчилари бошқалар учун жонини фидо қилган дўстини доимо ёдга оладилар. Бу ҳикоя оддий денгизчилар хотирасига бағишланиб бўлиб, уларнинг қахрамонона жасоратини тараннум этади.

Денгиз кувайтликларга балиқ, марварид ва бошқа тирикчиликка ярайдиган неъматлар берган, аммо қанча-қанча умрларга завол ҳам бўлган. Денгиз соҳилида яшаш ҳам осон бўлмаган. Энг катта муаммо бу ичимлик сувининг йўқлигидир. Ичимлик суви баъзида Кўрфаз орқали бошқа жойлардан кемаларда олиб келинади. Баъзида кемалар ҳалокатга учрайди, юкидан мосуво бўлишади, соҳилдагилар сувсиз қолади. Мана шу муаммо

Сулаймон Шотийнинг “Янгилик” (“الابتكار”) ҳикоясида ҳам кўтарилади. Соҳилда жойлашган қишлоқдаги одамлар умид билан денгизга тикилишмоқда, узокдан сув юклаган елканли кема яқинлашмоқда. Аммо кема сув остидаги қояга урилиб ағдарилади. Сувли идишлар кулаб тушиб чўқади. Одамларнинг умиди сўнади. Ёзувчи персонажларни нутқлари, ҳаракатлари, ўзаро муносабатлари орқали вазиятнинг манзарасини худди мохир рассомдек чизиб беради. Бу ҳикоя орқали китобхонга ер юзида шундай жойлар борлиги аён бўладики, бир қатра ичимлик сув қиймати бебаҳо саналади. Уни ўқиган ўқувчи ҳикоя қаҳрамонлари сингари сувга ташналик ҳиссини туяди ва “олдингдан оққан сувни қадри йўқ” мақоли қанчалик халқ тажрибасидан келиб чиққанини тушунади ва сувнинг қадри тўғрисида ўйланиб қолади. Ҳикоя ниҳоясида ёзувчи умидга жой қолдиради - узокда бошқа сув ташувчи кема елканлари кўринади, бу янгилик қишлоқдагиларга янги умид бағишлайди.

Бошқа бир “Ички сезиш” (لداخلي الإحساس) ҳикояси Қувайтда жўшқин иқтисодий ўзгаришлар, катта қурилишлар бошланган даврни қамраб олади. Бу ўзгаришларни ҳамма қувайтликлар ҳам хуш кўриб, қабул қилишмайди, чунки баъзиларда янгиликлар қандайдир хавотир ва шубҳа уйғотади. Ҳикоя қаҳрамони 70 ёшли Абу Модий ана шундай инсонларнинг биридир. Унинг касби устачилик бўлиб, эски уйларни таъмирлаш билан шуғулланади. Кетма-кет барпо бўлаётган кўп қаватли уйлар унга ёқмайди, оддий қутиларни эслатади. Умуман атрофдаги қурилиш шиддати уни кўрқитади. Бузилаётган эски уйларни кўриб унинг кўнгли бузилади, чунки худди ҳаётининг бир қисми йўқ бўлиб кетаётгандек туюлади унга. Бу уйлар ҳар бири ўз шакли- шамоилига, ўз қиёфасига эга эди, бир-биридан ажралиб турар эди. Қурилаган кўп қаватли бинолар эса қаровсиз, рангсиз бир шаклдаги унга ёт бир нарсаси кўринади. Ўзи ўтмишда таъмирлаган, энди бузилаётган уйларга бориб, ўз ишини томоша қилишга одатланган Абу Модий ҳалокатга учрайди. Бу эски уйларда ҳеч ким йўқ, деб ўйлаган бульдозер ҳайдовчиси Абу Модий бўлган хонанинг деворини бузади ва чол унинг тагида қолиб вафот этади. Бу ҳикояда қувайтликларни ўтмиши билан видолашуви бор. Бир томондан янги ҳаёт шовқин-сурони олдида ўтмишни қўмсаш, унинг сокинлиги, ҳаётнинг секин-аста ўтиши, кам бўлса ҳам ризқ-насибанинг топилиши кўрсатилади. Иккинчи томондан, бу ўзгаришлар зарурияти сезилади. Катта кўчалар, осмонўпар чиройли бинолар, ярқираган ойнали дўконлар, катта шаҳар шуқуҳи мозий устидан ғалаба қилиши аниқ ва қатъийдир. Қаҳрамон ҳам ич-ичидан шуни билади, билиб саросимага тушади. Бежиз унинг номи Абу Модий эмас. Маъноси “ўтмиш-мозий отаси” демакдир. Аммо келажак янги авлодлар кўлида. Ҳикояда ҳам енгил қайғу, ўтмишни романтик руҳда тараннум этиш, ҳам уни вақти ўтганлиги ҳиссиёти мавжуд.

Сулаймон Шотийнинг учала ҳикояси анъанавий реалистик услубда ёзилган. Композицияси изчил, сабаб-оқибат чизиғида шаклланган, хотималари мантикий исботланган. Сюжет тузилиши персонажлар ҳаракатига асосланган, ҳодиса-воқеалар бирин-кетин ҳаётӣ тарзда шаклланади. Бу дастлабки ҳикояларда Шотий сўнги ижодида рўй берган психологизм таҳлили ҳали деярли кўринмаган, фақат Абу Модийнинг шуурлари ва изтиробларини тасвирлашда ёзувчи психологик унсурлар киргазиб, озгина рухий ҳолати таҳлилига тўхталади.

Форс кўрфази ҳудудининг бошқа мамлакатлари каби Қувайтнинг бутун ҳаёти учун нефтнинг улкан заҳираларининг кашф этилиши янги импульс бўлди. Бироқ “қора олтин” жуда улкан даромадлар билан бирга янги кутилмаган ташвишлар олиб келди. Қувайт ёзувчилари ҳар бири ўзига хос тарзда жамиятдаги ислоҳотларга жавоб бердилар, улар бундай мулкдорлар дунёсидаги инсон қисмати ҳақида ўйландилар. Ҳаётнинг анъанавий тартибдаги ўзгаришлари ҳақида фикр юритдилар. Жаҳон цивилизацияси билан танишиш оқибатида Ғарб мамлакатлари адабиёти ва маданияти таъсири остида уларда янги тасаввурлар пайдо бўлди.

Айниқса, 70-йиллардан бошлаб ҳикоянавислик майдонида ўзгача ижод пайдо бўлди. Унинг ортида ҳақиқий истеъдод эгалари турар эди ва улар туфайли Қувайт ҳикояси ривожланган араб ҳикояси сафига қўшилди. 80-90 йилларда эса бу жанрнинг юксалишини кўринади, ҳатто турли тус олган ҳикоя жанрининг кўринишлари (типлари) бир-бири билан адабий мусобақалаша бўлиб, турли жаҳон тажрибаларини ўзлаштирди ва сараларини мужассамлаштирди, энг аввало, адабий ривожланган араб мамлакатлари олдинги араб ҳикоячилик тажрибасидан баҳраманд бўлди.

Қувайт ёзувчилари ўз асарларида жамиятни ташвишга солаётган муаммоларни акс этадилар. Бир томондан бу муаммолар маълум даражада бутун араб адабиёти учун анъанавий бўлиб, гарчанд ёндашишда силжиш бўлса ҳам, оилавий муносабатлар, аёлларнинг ҳуқуқлари масаласи каби мавзулар етакчи бўлиб қолди. Иккинчи томондан бу муаммолар кўламини истеъмолчилик дунёсидаги одамлар тақдири, урушдаги инсон, муҳожирликда ёлғизлик каби масалалар билан кенгайтирадилар. Қувайт ҳикояси ички зиддиятга асосланган мавзуларга киришганда ҳар ким маълум ижтимоий қатламнинг воқеликка муносабатини, унинг дунёга қараш нуктаи назарининг қирраларини тушуна бошлайди.

XX аср 80-йилларида Қувайт адиблари сафига бир қатор ёш ёзувчилар кириб келди. Волид Ружайб, Муҳаммад Ажмий, Ҳамид Хамад, Абдулвахҳоб Сайид ва бошқалар шулар сирасига киради. Улар Қувайт ҳамда Кўрфаз мамлакатлари ёзувчиларидан биринчи бўлиб, миллий фантастика ва триллер мавзуларига мурожаат этишди. Янги авлодга мансуб бўлган

ёзувчи аёллар қаторида Муна Шофий, Фотима Юсуф Али, Фавзия Шувайш Саломни кўрсатиш мумкин.

**Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин-ки,** 80-йилларда Кувайтда ҳикоя жанри, етуклик даражасига бориб, ҳақли равишда унинг асосчилари ҳисобланган муаллифлар ижоди айна равақ топган паллада эди. Булар Сулаймон Шотий, Сулаймон Ҳулайфа, Абдулазиз Ҳусайн, Лайло Усмон ва бошқалардир. Улар ўз асарларида хорижликлар ҳукмдорлиги давридаги ҳаётдан бошлаб, мустақиллик учун кураш, бадавийларнинг ўтроқ ҳаётга ўтиши, нефть конларининг очилиши билан мамлакатда янги ҳаёт бошланганлиги ҳақида ёздилар. Адибларнинг бой ва ўзига хос образларида уларнинг дунёқарashi, мафкуравий мавқеи, эстетик қарашлари, ижодий тажрибаси, қолаверса, рухий олами мужассамлашди. Бу адибалар воқеа-ҳодисаларни лоқайдлик билан фотосурат каби тасвирламасдан, балки уларни ўз истеъдодлари даражасидан келиб чиқиб бадиий гавдалантиришга ҳаракат қиладилар. Албатта, кенг кўламдаги барча образлар инсон учун хизмат қилади ва унинг шахси атрофида айланади. Айниқса, инсон образи билан боғлиқ мажозий маъно асосида яратилган образлар мураккаб характерга эга бўлиб, муаллифлардан истеъдод ва таҳаййул парвозини, ҳаёт қонунларини билишни, муайян муҳитни ишонарли акс этишни талаб қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ghalloum, Ibrahim Abdullah. (1981). The Short Story in the Arabian Gulf: Kuwait and Bahrain. Al-Qissa al-qasira fi-l-Khalij al-Arabi: al-Kuwayt wa-l-Bahrayn. – Baghdad: Matba'at al-Irshad. – 735 p. (in Arabic)
2. Sulton, Izzat. (1986). Theory of Literature. Adabiyot nazariyasi. – Tashkent: O'qituvchi. – 258 p. (in Uzbek)
3. Ghalloum, Ibrahim Abdullah. (1981). The Short Story in the Arabian Gulf: Kuwait and Bahrain. Al-Qissa al-qasira fi-l-Khalij al-Arabi: al-Kuwayt wa-l-Bahrayn. – Baghdad: Matba'at al-Irshad. (in Arabic)
4. Sharaf, Muhammad Yasir. (1979). The Short Story in the Arabian Gulf: Readings. Al-Qissa al-qasira fi-l-Khalij al-Arabi: Qira'at. – Kuwait: Arab Book Center. (in Arabic)
5. Al-Duwayri, Fahd. (1959). Storytelling and Man. Al-Qass wa-l-insan. – Al-Arabi Magazine, April. – Pp. 104-107. (in Arabic)
6. Sharaf, Muhammad Yasir. (1979). The Short Story in the Arabian Gulf: Readings. Al-Qissa al-qasira fi-l-Khalij al-Arabi: Qira'at. – Kuwait: Arab Book Center. – Pp. 44-58. (in Arabic)
7. Vasiliev, A. (Ed.). (1984). Winds of the Gulf: A Collection of Stories. Vetry zaliva. Sbornik rasskazov. – Moscow: Raduga. – 264 p. (in Russian)

8. Ahmedova, Shahlo Irgashbaevna. (2021). The Style of Stories by Bahraini Writers Fawziya Rashid and Amin Salih. Bahrayn yozuvchilari Favziya Rashid va Amin Solih hikoyalari uslubi. – ORIENSS, Special Issue 2. (in Uzbek)

9. Akhmedova, Shakhlo Irgashbaevna. (2022). The Issue of Women's Place in the Family and Society in the Creation of Gulf Arab Countries' Literature. – ORIENSS, No. 12. (in English)

10. Akhmedova, Shakhlo Irgashbaevna. (2021). New Artistic and Methodological Principles of Storytelling in the UAE. Novyye khudozhestvenno-metodologicheskiye printsipy storitellinga v OAE. – Oriental Studies, 1(1). – Pp. 4-13. (in Russian)

11. Akhmedova, Shakhlo Irgashbaevna. (2021). Symbiosis of Artistic Trends in Contemporary Literature of the Arab Countries of the Persian Gulf. – Current Research Journal of Philological Sciences, 2(09). – Pp. 105-109. (in English)

12. Akhmedova, Shakhlo Irgashbaevna. (2021). Ideological and Artistic Searches in the Short Stories of the Arab Countries of the Persian Gulf at the Beginning of the XXI Century. – Asian Journal of Multidimensional Research, 10(10). – Pp. 838-842. (in English)

13. Ahmedova, Shahlo Irgashbaevna. (2022). Formation and Improvement of Realistic Story in Kuwait and Bahrain Literature. – Oriental Renaissance: Innovative, Educational, Natural and Social Sciences, 1(Special Issue 6). – Pp. 409-414. (in English)